

РЎЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ЖУМХУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

№ 146 (2410)

1991 ЙИЛ 5 ДЕКАБРЬ

ПАИШАНБА

БАҲОСИ 10 ТИИИН

АЙНИ МУДДАО

Ички ишлар вазирлиги ҳуридиаги моддий-товар бойликларни олиб чиқиб кетишни назорат қилувчи давлат инспекцияси тузилганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Рўзномамизнинг ўтган сонларидан бирда эълон қилинган «Хазина соқчиларига ўхшатим келади» номли мақолада бу инспекциянинг юмуши, вазифаси, ўтган қисса

вақт мобайнида эришган ютуқлари хусусида батафсил маълумот берган эдик. «Бу хизмат айни муддао бўлди», — деб ёзишмокда кўпчилик муштарилилар.

Президентимиз номига битилган кўпгина телеграмма ва хатларда ҳам шу фикр билдирилмоқда. Қўйида шулардан иккитасини ётиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

Хурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сиз имзолаган ҳалқарвар фармонлар буюк ўзбек халқининг асрий орзуладини амалга ошириш учун қўйилган дадил қадамлар бўлмоқда.

Республика ички ишлар вазирлиги ҳуридиаги моддий-товар бойликларни олиб чиқиб кетишни назорат қилувчи давлат инспекциясининг тузилиши, айнича, ҳаммани қувонтироқда. Вилоятимиздаги Абдуллахон Қодиров бошлиқ шу инспекция ходимлари четта ноҳоний чиқарилиб кетилаётган 10 тонна пиёс, 3 тонна арпа-буғдой, 25 тонна кунжара ва бошқа маҳсулотларни ушлаб қолиб, ҳайдовчиларимизга сотди.

Жамоамизнинг яқинда бўлиб ўтган митингидаги 600 кишилик аъзоларимиз шу йил 29 декабрь куни мустақил Узбекистон давлати Президенти учун бўладиган сайловда Сизнинг номзодингиз учун овоз беришга яқдиллик билан қарор қабул қилдилар.

600 кишилик жамоамиз номидан:

Қ. УРОЛОВ,

Жizzax шаҳар таксомотор парки директори.

Б. МУҚИМОВ,

касаба уюшмаси қўмитаси раиси.

Уртоқ И. А. Каримовга!

Биз Жizzax вилояти уруш ва меҳнат фахрийлари Сизнинг ички ва ташқи сиёсатигизни бутунича маъқуллаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Шунингдек, Сизнинг Жумҳурият ИИВ ҳурурида моддий-товар бойликларни олиб чиқиб кетишни назорат қилувчи давлат инспекцияси тузиш ҳақидаги қарорингизни маъқуллаймиз.

Бу инспекция биринчи кунларданоқ ҳумхурият чегарасидан чиқиб кетаётган кўпдан-кўп маҳсулотларни қайтариб қолиб, ҳалқ орасида диққат-этиборга сазовор бўлди. Уларнинг бу ишлари нарх-навони пасайшига олиб келади.

Сизга шуну маъдум қиламизки, бу давлат инспекцияси томонидан қайтариб қолинган пиёс, олма, картошка, анор, майиз ва бошқа маҳсулотлар биз — меҳнат ва уруш фахрийларига тарқатилмоқда. Бунинг учун биз Сизга ўзимизнинг чукур миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Э. ИСЛОМОВ,
Жizzax вилояти уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгашининг раиси вазифасини бажарувчи.

МАЪҚУЛЛАНДИ

Сурхондарё ИИБ ходимларининг бўлиб ўтган йигилишида И. А. Каримов номзоди бир овоздан маъқулланди. Шахсий таркиб Президентлик сайлови куни номзоди учун овоз беришга яқдиллик билан қарор қилди.

Ҳасан ёшлигиданоқ милиционер бўлишни орзу кипарди. Ўтра мактабни муваффақиятли тугаллагач, Совет Армияси сафига хизматга чақирилди. Омадни қарангни, у хизматни ички қўшинлар сафиди ўтказиб, анча чиниқди. Орзуси ушалишига йўл очилди.

Йигитлик бурчини ўтаган йигит она шаҳри — Каттақўргонга қайти ва ҳеч иккимай шаҳар комсомол қўмитасидан ички ишлар бўлимига йўлланма олди.

Ҳасан Саъдиев дастлаб оддий милиционерлик вазифасида сабот ва матонат билан хизмат қилди. Шу даврда у ўнлаб жиноятчиларни ушлашда ибратли фаолият кўрсатди. Жиноятчиларни аниқлашда изланди, устоз

ҲАМИША ҲУШЁР

мураббийлардан бу касбнинг сир-асрорларини мукаммал ўрганди.

Фаолиятининг дастлабки йили — 1968 йил Ҳасан Саъдиев ҳафтида бўлган воқеа унтилас из қолдириди. У Бутуниттифоқ қидириувидаги бўлган хавфли жиноятчими ушлаш операциясида қатнашиб, анча тажриба орттириди ва бу хизмати учун «Милиция аълоҳчиси» нишони билан мукофотланди.

Ҳасан Саъдиев ўз постида ҳамиша сергак. Унинг наза-

ридан икир-чикир ҳам четда қолмайди. Қаҷон қараманг, уни доим Каттақўргон шаҳрининг аҳоли гавжум жойлари, жамоатчилик орасида кўрасаси.

Шаҳар кўчалари бўйлаб ўрта бўйли, кўзлари ёниб турдиган, ҳамиша сергак ва ҳуашёр Ҳасан Саъдиев кезиб боряпти. У шаҳдам қадамлар ташлаб бораркан, ўзишидан мамнун. Негаки, у ноҳуш воқеа содир бўлмаганидан, кишилар озор чекмаганидан мамнун. Майли, Ҳасан Саъдиев ва унинг минглаб ҳамкаслари ишлари ҳамиша ана шундай осойишта, тинч ўтсин. Ана ўшандагина ҳали улардан доимо хурсанд бўлади.

Ғайраткон ШУКУРОВ.



Жамиятимиздаги иқтисодий таңглик тобора чуқурлашиб бормоқда. Бунинг натижасида қонунбузарликлар — олибсотарлик, чайқовчилик кун сайнин ўзининг қамровини, кўламини ошириб бормоқда. Бугун ҳамма нарсани «қўлдан» топиш мумкин бўлиб, ани вақтда эса давлат дўконлари шин-шийдамлигича қолмоқда. Чайқовчилик аталмиш механизм жамиятни

кун сайнин ямлаб, одамларни оддий кундалик ташвиши, юмушига айланиб бормоқда. Тан олиш керак, бугун чайқовчиларсиз бозорни топиш кўп қийин-а. Давлат дўконларининг ахволи бу бўлгач... Ишқилиб йўлини қилиб молни дўндиришида «азаматлар».

БХСС ходимларига ҳам иштарли. Хоҳла танлабтанлаб ушла, хоҳла бир бошдан. Сиз суратларда кў



АҚС-САДО

БУ ЁФИ ҚАНДОҚ БЎЛДИ?

Мен «Осмон нега тушиб кетмас экан?» мақолосини чукур ўйга чўмган ҳолда ўқиб чиқдим.

Ерининг бағри кенглигига лол қолмай илож йўқ. Уни ихшилар билан бирга ёмонлар ҳам босмоқда. Разиллар, ваҳшийлар уни тоштаса ҳам, бардош бормоқда.

Авваллари қариялар ичикин бир помаъзулчилликни кўрсалар: «Бу ўзбекка хос қилиқ бўлмабди», — дейншарди. Шу ганинг ўзиён ўша одамга юра тамгаден

ёмон таъсир қиласди. Ҳозир эса ўзбекчилик у ёқда турсин, бошқа мукаддас нарсалар ҳам кўтарилиб кетди.

Ҳамманинг кўз ўнгидаги бирорни урса, дўлиосласа, туниб кетсан ҳеч ким индаси. Мана мустақилликка эришганимизга ҳам иккайланни ошиди. Энди ҳаммаси ўзимизнинг чуқирикни, бундан бўғига ҳам бир-биримизни алдасак, тунасан қандоқ бўларни?

Жамила ЖУРАЕВА

Ўзимизнині

Эркин ақа

Каттақұргон тумани ишлар бўлимида ДАН ходими Э. Тошматовни ҳамкаслари фахр билан «Ўзимизнинг Эркин ақа» деб атайдилар. Бундай номга эга бўлиш ҳар кимга ҳам насиб қиласвермайди. Бунинг учун авваломбор танлаган касбингни севиш, ҳар қандай шароитда ҳам ДАН ходими деган юксак номга дод туширмаслик лозим.

Э. Тошматов 1946 йилда Самарқанд вилоятининг Пай-арик туманинда оддий колхозчи оиласида дунёга келди. Ўқувчилик даврида отаси унинг: «Милиционер бўламан», — деган сўзидан кейин онасига мийигида кулиб: «Қара-я, қарқуноқдан булбул чиқадими дейман», деб қўярди.

Орадан йиллар ўтди. Ўрта мактабни тутгатган Эркин 1962-64 йиллар мобайнида шаҳардаги иккичиллик бўйичилик курсида таҳсил олди. Совет Армияси сафиди ўз йигитлик бурчани ўтаб қайтгач, ишни 1969 йили ички ишлар бўлимида ҳайдовчиликдан бошлади. Шу давр мобайнида у ички ишлар бўлими ходимларининг иши бирмунча масъулиятли, оғир, ҳаловатдан бутунлай йироқ эканлигини кўрди, сезди. Ва айни дамда батзи ҳолатларда ҳатто жонларини ҳам қурбон қилишганлари гувоҳи бўлди.

1980-83 йилларда Э. Тошматов Саратов шаҳридаги ДАН милиция мактабида сиртдан билим олди.

Шу ўринда мен ДАН ходимининг иши нақадар масъулиятли эканлигини қайта таъкидламоқчиман. Чунки сизу менинг хотиржамлигимиз учун, сиҳат-саломатлигимиз учун, шу берилган қисқагина ҳаётимиз мобайнида тинч осуда яшаб, ўқишимиз, ижод қилишимиз учун тунни кунга, кунни тунга улаб хизмат қиладилар. Агар улар бўлмаганида автоуловлар ҳалокати сони ўн, юз баробар ошиб кетар эди десам, ўзбекона лоф урмаган бўламан.

— Ишмиз масъулиятли ва шарафли, — дейди мен билан сұхбатда Э. Тошматов. — Масъулиятли дейишининг боиси шундаки, кечани кече, кундузни кундуз демай хизмат қилиш лозим. Шарафли дейишининг боиси эса, қишиларнинг тинч яшашлари бизларга боғлиқ. Айниңса, сенга ишонч билдириб, оғир дамларидан мўроқаат қилишса, сенга руҳан суюнишса, ўзингни яна ҳам гайратлар сезсан, касбингга бўлган ҳурматинг яна ҳам ошар экан.

Э. Тошматов ўтган йиллар мобайнида бир қанча шогирдлар тайёрлади. Айниңса, кичик лейтенант Рӯзимурот Жўраев, сержалтлар Раҳматулла Ҳамидов, Шавкат Гуломов ва бошқалар у кишини фахр билан «устоз» деб атайдилар.

— Тошматов бизнинг тажрибали, интизомли, ходимаримиздан, — дейди туман ИИБ ДАН бошлариги Р. Воҳидов. — Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида жойларда олиб

борадиган ишлари ҳам мақтогва сазовордир.

Кейинги ўн ой мобайнида туманда 24 марта рейд ўтказилди. Ичиде рулни бошқарган, давлат мулкини ўмарган, техник жиҳаддан талабга жавоб бермайдиган уловларни бошқарган ҳайдовчиларга нисбатан чора кўрилди. Қисқаси бир қанча фалокатларнинг олди олиниб, қишиларнинг гулдек умрлари бевақт ҳазон бўлмади. Бунда Э. Тошматовнинг ҳам анчагина хизмати бор.

Кейинги беш йил мобайнида туман бўйича содир этилган автоуловлар ҳалокати ва унинг оқибатида дунёдан бевақт кўз юмган қишилар сони билан танишилди чиқсан. 1986 йил мобайнида 38 та автоулов ҳалокати натижасида 38 нафар қиши жароҳат олган бўлса, 6 нафар қиши оламдан ўтган. 1987 йилда эса 36 та автоулов ҳалокати натижасида 33 нафар қиши жароҳат олиб, 10 нафар қиши ўтган. Кейинги йилларда рақамлар сони ошиб борганлигини кўрамиз. 1988 йилда 41 та, 1989 йилда 67 та, 1990 йилда 78 та йўл-улов ҳодисаси қайд этилган. Шу йилнинг 10 ойи мобайнида бу кўрсаткич 72 тага етган. Юқорида кўрсатиб ўтилган жами йўл-улов ҳодисаларида 51 нафар бола жароҳат олган, 11 нафари ўн гулидан бир гули очилмай ҳаётдан кўз юмган.

Мен Э. Тошматовдан уларни келтириб чиқарадиган сабаблар ва буларнинг олдини олиш борасида режалаштирилган ишлар ҳақида сўрганимда, у қиши шундай жавоб бердилар:

— Тўғри, йилдан-йилга автоулов ҳалокати ошиб бориши, бунинг натижасида қишиларнинг ҳаётдан кўз юмшилари ишимишнинг ёнг оғриқ жойига айланни қолган. Автоуловлар сочининг ошиши, рулни маст ҳолда бошқариш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаслик, қонун-қоидани менсисмаслик ва баъзи ҳолларда йўловчиларнинг бепарвонлиги оқибатида кўнгилни хира қиладиган рақамлар пайдо бўлмоқда. Шу ўринда мактабларда ўқувчиларга йўл ҳаракати қоидаларини ўқитмаслиги ёки ўқитилса ҳам, фақатгина номигагина эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Болаларга сабоқ берадиган ўқитувчининг ўзи саводиз бўлса, унинг берган таълими нима ҳам бўларди? Ваҳоланки, болаларга мактабга қадам қўйганларидан йўл ҳаракати қоидалари ўргатилмас экан, бундан кейин ҳам автоуловлар ҳалокати кўпаяверади.

Биз — ДАН ходимлари аҳоли ўтасида тушунтириш ишларини олиб бораверамиз. Рейдлар ўтказилемиз. Келгусида ҳам режалаштирганимиз. Қанийди, қишилар ҳаётига хавф соладиган «автоулов ҳодисаси натижасида...» деган сўзларни уннутадиган кунлар келса...

Ха, қанийди шундай кунлар келса. ДАН катта лейтенанти Эркин ақа Тошматов менинг кўнглигидан кечган сўзларни айтди.

А. НУРМАТОВ.

Туманимиз ҳудудида бир юз ўн олти минг фуқаро бўлса, шулардан олтмиш фоизини ёшлар ташкил қиласди. Бу эса ҳазилакам кўрсаткич эмас. Ҳозирги шов-шувга тўла замонда улар тарбиясининг ўзи катта муммо бўлиб турибди. Бугунги иқтисодий қийинчиликлар, тақцилликлар ёшларнинг онгиға, дунёқарашига ўз тасирини ўтказмай қолмайди.

Шу йилнинг ўзида 150 нафар тартибузар ва ҳар хил жиноят содир этган балогатга етмаганлар ички ишлар бўлими келтирилди. Буларнинг ичиде юқорида айтилган сабабларнинг оқибати — ўғирликлар кўплаб учрайди. 19-ҳунар-техника билим юрти ўқувчиси И. Асатуллаев ўтаклари М. Исоков ва С. Умаралиевлар билан тил биринчириб, кечаси «Ширин сув» распасида жойлашган устахонанинг эшигини бузуб киришади. У ердан ҳар хил магнитофонлар, асбоб-ускуналар, жами 1011 сўмлик нарсаларни ўғирлаб кетишиади. Бу уларнинг биринчи «ишлари» эмас экан. ИИБнинг балогатга етмаганлар билан ишлаш назорияти олиб борган суршилирув давомида улар қилган барча ўғирликларини тан олишиди.

Шу ҳунар-техника билим юртининг ўқувчиси F. Абдураимов ҳозирда ҳеч қаерда ўқи-майдиган, ишламайдиган дўсти С. Содиков билан биргаликда Комсомол қишлоғига яшовчи И. Маъруповнинг ўйига ҳеч ким йўклигидан фойдаланиб, девор ошиб киради. У ердан ўғирланган 3375 сўмлик кийим-кечак, магнитофонни Кўкон шаҳрида сотишиб, пулни бўлиб олишиади.

Шунингдек, 1-ўрта мактабнинг битиривчиси И. Ботиров куппа-кундузи туман марказидаги серқатнов жойда Ноңира исмли қизнинг ҳамёнини олиб қочади. Унинг синдоши А. Қорабоев эса ўйингоҳга келган спортчи мөхмомларнинг чет элда чиқарилган «Монтана» спорт уст-бошини ўғирлаб кўлга тушди.

29-ўрта мактабнинг кечки 11-синф ўқувчиси И. Эшонқулов мол ўғирлашга жазм қилиб, уч кун деганда чуби чиқди. Мъйлум бўлишича, унинг исми-шарифи мактаб журналига номигагина ёзил қўйилган экан. Йўлдошли билан сұбатлашилганда, у шу ўкув йилида бирон марта ҳам мактаб-



Тўқнашув нега рўй берди?

Тўй... Бу сўзни эшиши билан қиши қалби қувончга тўлади. Ахир, хурсандчиликка нима етсинг?! Қишилар бу кунни орзишиб кутишиади. Дилларни ажаб сирли энтиридагига тўйни хуш қайфийт билан ўтиши эса нурустига аъло нур бўлади. Ағуски, ҳамма вақт ҳам шундай бўлайтани йўқ. Баъзан тўйга тайёргарлик, уни ўткашиш ҳамаҳида қуюшондан чиқиши оқибатида турли туман кўнгилсиз ҳодисалар юз бериб, ўртага ғашлик тушмоқда.

Тўй олдиндан келин-куёвларни саир қилдириш, хушманзара жойларни, тарихи обидаларни томоша этишга чорлаш кейинги пайтда одат тусига кирди. Албатта, ҳали бир-биридан хиёл ийманиб турган қаллиқлар ёнига ўртоқлари таънганларни чиқиши оқибатида турли туман кўнгилсиз ҳодисалар юз бериб, ўртага ғашлик тушмоқда.

Энди биз тилга олмоқчи бўлган воқеа тафсилот билан танишиш. Бахтиёр Бобоқонов отасига қарашли «ВАЗ-2101» белгили Г 1443 X3 рақамли автомашинада тўйда хизмат қилгиси келиб қолди. Никоҳ карвонида бораётган машинасига куёвнинг ўртоқлари чиқишиди. Турнақатор машиналар Урганчдан Хивага қараб йўл олишиди. Иктидорли ажоддларимиз кўли билан яралган тарихи обидаларни зиёрат қилиб бўлишгач, орқага қайтишмокчи бўлишиди. Шунда келин-куёв Б. Бобоқонов бошқараётган машинага ўти-

риш истагини билдиришди. Хива-Урганч ўйлининг Хивада тумани «Партия XXII съезд» номли жамоа хўжалиги ҳудудидан ўтган қисмидаги қаллиқлар ўтиришдан бурилиш чирогини ёқиб, олдинга чиқишиб қолди. Тормоз тепкисини босдим, фойдаси бўлди.

Фалокат туғилишига қоидабузарлик сабабчи эканлиги равшан. Шуниси ҳам олдинга ўтасида ташвишни келиб чиқиши сабаблари, уларнинг олдини олиш борасида тушунтириш, ташвишни ишларни ўйлаған. Албатта, бу ишларни амалга оширишда ИИБ, «Победа» жамоа хўжалиги раҳбарлари мададига сунганд ҳолда иш олиб боради.

СУРАТДА: участка инспектори милиция лейтенанти У. Усербоев жамоа хўжалиги аъзолари давр сиди.

Х. ШОДИЕВ олган сурат.

қаторлашиб бораётган эди. Мен олдинга ўтаман деб қарама-қарши ўйнишга чиқдим. Шу вақт олдинизда кетиб бораётган машина бурилиш чирогини ёқиб, олдинга чиқишиб қолди. Тормоз тепкисини босдим, фойдаси бўлди. Фалокат туғилишига қоидабузарлик сабабчи эканлиги равшан. Шуниси ҳам олдинга ўтасида ташвишни келиб чиқиши сабаблари, уларнинг олдини олиш борасида тушунтириш, ташвишни ишларни ўйлаған. Албатта, бу ишларни амалга оширишда ИИБ, «Победа» жамоа хўжалиги раҳбарлари мададига сунганд ҳолда иш олиб боради.

Бу борада бизнинг айрим фикрларимиз бор. Аввало тўй карвонидаги машиналар сонини кескин камайтириш керак. Рулни эса ўзини босиб олган, йўл ҳаракати қоидаларига тўлиқ риоя қилидиган шерик бўлиш яхши. Аммо ҳар ишда ҳам ўзига яраша тартиб-интизом бўлмоги даркор.

Шу ўринда бир савол туғилиди. Фалокат рўй бермаслиги мумкин эдими? Мумкин эди, деймиз ишонч билан. Машиналар карвонида тартиб бўлганида, йўл ҳаракати қоидаларига чатъий қилинганида эди, кўнгилсизлик нишурмасди. Тўй карвонига кўзи тушган ҳар бир одам шуни гувоҳи бўладики, ҳайдовчилар босар-тусарини билмай қолишиади.

Бахтиёр Бобоқонов айланувчи сифатида сўроқ қилинганида қўйидагиларни билдириди.

— Хива шаҳрини айлануб бўлганимиздан кейин Урганчга қайтишга отландик. Шунда келин-куёв менинг машинамага ўтиришиди. Тўй карвонидаги машиналар маркази ходими.

Зиммамизда

ёшлар тарбияси

Бормаганлиги, уйда эса ота-онаси унинг туриш-турмуши билан сира қизиқиб кўрмаганлиги маълум бўлди. Натижада эса кўриб турганингиздек, у жиноятга қўл урди.

Ажабланарли томони шундаки, жиноят кўчасига кирал қолган Акмалнинг онаси болалар боғчасида катта тарбиячи, Шукратнинг онаси эса боғча мудираси. Уларнинг болалари шундай қилиб юргандан сўнг қолганларга нима ҳам дейишумкин!

Мъйлумки, бошланғич синфларда йўл ҳаракати қоидалари, юқори синflарда эса ҳуқук дарслари ўтилади. Ҳуқутичи дарсни режа тузуб келиб, ўқувчиларга тушунтириб кетаверади. Бундан эса бола учун фойда камроқ. Ҳаммага мъйлумки, қуруқ назария ҳам болани зериктиради. Шу сабабдан ҳам биз янги ўкув йилининг бошланишида туман халқ таълими бўлими раҳбарлари билан маслаҳатлашдик. Йўл ҳаракати қоидалари ва ҳуқук дарсларини милиция ходимлари ўтадиган бўлиши.

М. ИСОҚОВ,
Бағдод тумани ИИБ балогатга етмаганлар иши бўйича назорияти бошлиғи милиция капитани.

Улмас Усербоев иккى йилдан берин Галаба тумани ИИБда участка инспектори бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Аҳоли ўтасида жиноят

Кейнинг пайтларда Янгибозор тумани худудида енгил машиналарнинг гилдирлакларини ўғирлаш ҳоллари тез-тез юз берадиган бўлиб қолди. Туман ИИБнинг эрталабки йигилишида ҳам бу ҳақда галириб ўтилди.

«Аҳвол шу тарза давом этаверса, одамларнинг бизга бўлган ишончи. Йўқолади. Жиноятчилар эркун ҳаракат қилишига йўл қўйиб беражапмиз. Бу ишга бефарқ қараб бўлмайди. Зарур чоратади. Бўлим ходимлари шундай қарорга келиши. Раҳбарият ҳар бир ходимга зарур топширилар берди.

...Катта тезлик билан келётган енгил машина постпатрул хизмати катта инспектори, милиция лейтенанти Ақлбой Тўқашев кўнглида шубҳа уйготди. Яқинлашиб қолганда, тўхташ ишорасини берди. Аммо машина тезлигини ўзgartирмай ўтиб кетди. Ақлбой шахсий машинасида қоюқлар изидан тушди. Машина ичидагилар милиционерни чалгитиш мақсадида чироқларни ўчириб посёлка кўчаларидан бирига қайрилиши. Бу кўчалар Ақлбояга беш қўлдек мълум эди. Шу боис шошмасдан, уларнинг олдидан кесиб чишин учун машинасини бошқа тарафдан ҳайдай бошлиди. Қоюқлар боши берк кўчага кириб қолганларини сезишиб, типирчилаб қолишди...

Улар кимлар эди? Аввало, ўғрибоши ҳақида.

Йўлдош Қурбоннинёзов Урганч шаҳрида яшайди, ҳеч қаерда ишламайди. Енгил машиналар гилдирагини ўғирлаш борасида устасифаранглардан.

Келинг, яхшиси Йўлдошнинг қилмиши тафсилотлари билан танишайлик. У белогримтамай мўмай пул топиш ҳақида жуда кўп ўйлаб кўр-

ниг З-брігадасида яшовчи Зарифбай Жумамуродов уйи олдида турган автомашина унинг эътиборини ўзига тортиди. Аввалига машинасини ўчириб, атрофни бир пас кузатди. Шарпа сезилмади. Шундан кейингина режасини амалга ошириш учун иш бошлаб юборди. Гилдиракни бир неча дақиқа ичидан машинадан ажратди...

Бир ҳафтадан кейин янаша жамоа хўжалигида пай-

«ГИЛДИРАК КИМГА КЕРАК?»

ди. Ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келди. Гилдирак ўғирлайди. Ҳозир нима кўп — енгил машина. Унинг гилдирати тақчил. Хоҳлаган пайтда истаган баҳода сотиш мумкин. Фақат кўлга кирилса бас. Шу каби ўйлар билан «М-21-40» белгили D9823 X3 рақамли шахсий енгил машинасида Янгибозор туманинг Куйбишевномли жамоа хўжалиги томон йўл олди.

Тун. Барча осуда уйқуда. Борлик сукунатда. Кўчада эса Йўлдошдан бошқа деч ким йўқ. У эркун ҳаракат қиларди. Жамоа хўжалиги-

до бўлди. Бу сафар у вояга етмаган тўрт нафар ўслирини ўзига қўшиб олди.

— Агар овимиз барордан келса, ҳар бирингга 15 сўмдан пул бераман, — деди Йўлдош болаларга.

Ойбек ва Илҳомбек Абдураҳмонов, Махмуд Зарипов ва Қадамбой Норбоевлар унинг бу таклифига дарҳол рози бўлиши. Чунки борйиги бир неча соат ичидан 15 сўм пул ишласак ёмонми, деб ўйладилар.

Иш тақсимлаб берилди. Илҳом пойлоқчилик қиладиган бўлди, қолганлари эса гилдиракни машинадан аж-

ратишиди. Улар тажрибали ўғрилардан бошқачароқ иш тутиши. Ўғриларнинг аксарияти аввал режалаштириб, кейин мақсадга ўтишиди. Бизнинг «қаҳрамонлар» режалаштириб ўтиришиди. Машина кимнига ва қанақа белгили эканлигини билиш ҳам улар учун шарт эмас. Енгил машина бўлса бас, керакли жойини ўмарни кетаверишиди. Бу сафар Куйбишевномли жамоа хўжалигида яшовчи Бозорбой Қазаловнинг уйи олдида турган енгил автомашина ёнида тўхташи. Бир неча дақиқа ичидан инкита гилдирак улар фойдасига ҳал бўлди. Аммо бу камлик қилди шакилли, ўлжаларни йўл ёқасидаги ариқка яшириши-ю, бир соат ичидан «Москва» жамоа хўжалигида яшовчи Озод Юсуповнинг машинасини «яримжон» қилиши. Овлари барордан келётганидан хурсанд ҳолда Урганч шахри томон шошилдилар.

Улар тажрибали ва ўзишининг жонкуяри бўлмиш қонун ҳимоячилари Ўйларидан кесиб чиқиши мумкинлигини ўйламасдилар.

...Шу воқеадан кейин Ақлбой машинаси гилдиракларини ўғирлатиб юрган кўплаб кишилардан раҳматлар эшитди, ҳамкаслари орасида обрўси янада ошиди.

М. АЛИЕВ.



Автомобиль Ўйларида ҳалокатларнинг камайиши назоратчиларнинг ўз вазифаларига масъулият билан ёндашишига ва қатнов бетиним давом этадиган бу Ўйларда уларнинг зийраклигига боғлик.

СУРАТДА: Тошкент вилояти ИИБ ДАНБ 1-алоҳида ротаси йўл назоратчиси милиция старшинаси Эргаш Жўраев, Чиноз тумани ИИБ

ДАНБ бошлиги милиция майори Усан Абдуҳакимов ва вилоят ИИБ ДАНБ 4-алоҳида ротаси йўл назоратчиси милиция старшинаси Рустам Қурбонов олис манзилга йўл олган маҳужокатларини текшириятилар.

Х. ШОДИЕВ олган сурат.

ЕШЛИКНИНГ АЯНЧЛИ СЎҚМОҚЛАРИ

ҚАЙТА БУЗИШ

Тимур биринчи марта 18 ёшида ўғирликка қўл урганида эҳтимол моддий бойигиси келгандир. Уч йилга кесилганда, умрининг шунчалик тутқинликда ўтишига сира ачинмаганди. Негаки чицқанида ҳам энди 21 ёшида бўларди. Ҳали кўп нарсаларга ултуради. Аммо Тимур у ёдан негадир ёмонликдан ҳоли бўлиб қайтмади. Дангаса, сиркаси сув кўтармайдиган, қўпол, камҳаракат бўлгани билан нуқул шоҳона яшашни орзу қиларди. Бунинг устига ёл-

ғиз эмас. Шериклари у ёқида ҳам бирга боришса, гурнгашадиган одаминг бўлса. Агарда қамалган шерикларинг сен билан ёнмаён ўтираси ҳам, қаерлардадир улар худди шундай ҳасрату азобда эканлигини билсанг, дардинг енгиллашиди.

Тимур оғайнилари Виталий, Александр, Елена, Татьяналарнинг «қўзини» очди. Оғзини кўпиртириб яхши яшашга чорлади. Ким буни ҳоҳламайди дейсиз? Гапни бир жойга қўйишиб, ўғирликка қўл уришиди. Қўл

Чилонзор туманинага 35-билим юрти ўқувчилари Махмаджон Юсупов, Руслан Ажаблаев, оддий ишчи Илес Чашемовлар мўмай пул топиш ҳаракатига тушиб қолдилар. Учловон биргалашиб Янгиўл давлат хўжалигига йўл олишиди.

Иўл ҳаракати қондаларини қўпол бузувчилардан олиб қўйилган автоуловлар

сақланадиган жарима майдонига келган янгиўлар урилган, пачоқланган машиналардан эҳтиёт қисмларини шила бошлапди. Бироқ ўлжалар билан чиқиб кетиш насиб этмади.

Янгиўл тумани ҳалқ сунди ушбу ўғирликни кириб

уришдио кайфлари тарқа-гач, бошларини чанглаб қолишиди.

Милиция ходимлари ушбу гуруҳ фаолиятига ўз вақтида чек қўйдилар.

Тошкент шаҳар Ақмал Икромов тумани ҳалқ суди 1966 йилда тугилган Тимур Мамедов, 1968 йилда тугилган Виталий Астахов, 1987 йилда тугилган Александр Петров, 1969 йилда тугилган Елена Колесникова ва Татьяна Чумаковларнинг ҳар бирини З йил озодликдан маҳрум этиди. Жиноятчи ожизаларга нисбатан ҳукм ижроси 2 йилга кечиктирилди.

Нур БАДИА.

ЭҲТИЁТ ҚИСМ ЎҒРИЛАРИ

чиқиб, М. Юсупов, Р. Ажаблаев, И. Чашемовларни уч йилга озодликдан маҳрум қилишига ҳукм чиқарди. Аммо ёш эканликлари, биринчи марта судланадиганликларини ишнатиб олиб, жазо муддатини иккӣ йилга кечиктириди.

С. ЖАМОЛОВ.

Қўрқув

Тун яримида Ангрен шаҳрига шиддат билан кириб келаётган «Волга» автомобили овлоқ жойда бир муддатга тўхтади. Ундан шошилмай тушган кимса озигина юриб атрофга алланглагандай бўлдию жойида тек қотди. Унинг бу туриши ниманидир кутаётганидан дарак беради. Машинага ўғирлиб қарамасди ҳам. Аммо сабри чидамади ёғи орқасига бурилди. Бурилдию хаёлига кириб чиқмаган манзарани кўриб кўзларига ишонмади. Уловдан кимдир тушиб қоча бошлаган ҳам эдики, у ёнидаги тўпкончани чиқириб кетмакет қочоқча ўқ узди. Изма-из югурур экан тинмай шеригини сўқарди. Унинг ҳозирги вожоатини кўрган одамнинг ўтасаси ёриларди.

Икки шарпа дарахтлар, буталар, ариқлар оралаб тоза қочоқни қидирдилар. Бир хаёли оғиздаги тайёр луқманни ютолмай бошига бало ортирган лапашанг шеригини отиб ташлай ҳам деганди. Нимадир ушлаб қолди.

Искович итлардек қидиршлар натижка бермаслигига кўзлари етгач, машинага югурдилар. Шахт билан ўтириб, елдек учиб кетишиди.

Елкасидан енгил жароҳат олган «Волга» ҳайдовчиси анчагача қалтираб жўхоризор ичидан жон сақлаб турди. Жон ширин эмасми ҳар бир шарпа, сасга қулоқлари диккяр, юраги ҳам кўркувдан тез-тез уриб кетарди. Бу ерда қанча ўтириди, билмайди. Аммо бутун ҳаёти, таниш-билишлари бирма-бир кўз олдидан ўтди. Узининг ҳолига хўрлиги келди. Киноларда кўрсатиладиган воқеалар ҳам ўз бошидан кечирганичалик даҳшатли экаслигини англади. Совуқ терга ботганча не ҳасратда илгари ўрмалади.

Фира-шира тонг отаётганида Оҳангарон тумани ИИБга етиб келди-ю, навбатчани воқеадан хабардор этиди. Барча постлар огоҳлантирилди.

Оператив гуруҳ жабрланувчани олиб йўлга тушди.

Обиджон ўз юмуши билан Чимкента борди. Машинаси Тошкент белгиси билан эмасми, шоҳбекатда бир ўзбек йигити кўл кўтарди. Биринчидан ҳамюртлиги, иккинчидан ваъда килган катта йўлкираси боис Тошкента олиб кетишига розилик билдириди.

Йўлда шеригини ҳам олишни илтимос килған йўловчи ўзини «коммерсант» деб танишитирди. Коммерсантлардан ёмонлик чиқишини йўлаб ҳам кўрмаган Обиджон унинг дабдабали ҳаётига маҳлиё бўлганича кетаверди. Йўловчиларнинг бироқ пичоқ, иккинчиси тўпкончига билан қуролланып олганни, ниятлари «Волга»ни қўлга киритиш эканлигини қаёдан билсин? Фақат тунда, хилватда коммерсант ҳожатини чиқариш мақсадида тўхтатишини илтимос қилгандагина кўнглигига шубҳа оралади. Ички бироқ сезги билан орқасига ўғирлиди. Карасаки, йўловчи пичоқни чиқириб улгурган, яшин тезлигига чап берганида ҳам тиф елкасини ялаб ўтди.

Терговчи хонасига келтирилган жиноятчилар Обиджон жонга шунаңгани ўқрайиб қарашдик... Терговчига ҳам осон бўлмади. Бошида гуваҳни туҳматчи, ёлғончига чиқариша хўб уринган иккӣ босқинчининг бошқа жиноятларини сув юзига қалқиб чиқди.

Босқинчилар қилмишларига яраша жазосини олишиди. Обиджон эса ҳамон кечаларни вахимали тушлар кўриб чиқади. Ҳамон уловига қўл кўтарган йўловчилардан ола арқандан кўрқандай қочади. Одамларга ишонгиси келади-ю, бироқ...

М. ИБРОҲИМОВА.

Т. ИСАҚУЛОВ,
Жомбай тумани ҳалқ сунди ранси.

Н. МЕЛИЕВ,
«Постда»нинг жамоатчи мухабiri.

БАЙРАМГА БАФИШЛАБ

Эътибор берганимисиз. Марказий телевидение орқали бериладиган «Мўъжизалар майдони» кўрсатуви телетомошабинлар томонидан илиқ кутиб олинади. Урганч шаҳар комсомол кўмитаси ходимлари ҳам «Мўъжизалар майдони» ўйинини ташкил қилишиб, ҳайрли тадбирига қўл уришиди. Олдинига анча қийин кечди. Негаки моддий тальминот борасида муаммолар кўндаланг турарди. Аммо мақсад аниқ бўлгач, ҳомийлар ҳам кеч бўлсада, ёрдам бера бошлашиди. Урганч «Агроспецремонт» заводи, шаҳар пойабзал фабрикаси, шаҳар электротехника дўкони, кинолаштириш идораси ва бошқа ташкиллар шулар жумласидандир. Бозор иқтисодиёти даврида кишиларнинг ташвиши яна-да ортди. Одамлар рўзгор ташвиши билан овора бўлиб қолмоқдалар. Аммо маданий ҳордиқ чиқарини ҳам унумаслик керак. Негаки, шундай қилинса бироз бўлсада ғам-ташвишлардан фориғ бўламиш.

Яқинда ташкилий гурӯх аъзолари милиция куни «Мўъжизалар майдони» ўйинини биринчисини ўтказишиди. Ўйинда фақат милиция ходимлари эмас, балки хоҳлаган киши қатнашиши мумкин эди. Шундай бўлди ҳам.

Рангли телевизор, холодильник, поёндоз, транзисторли приёмник, магнитофон ва бошқа қимматбаҳо моллар соврин учун қўйилди. Ўйинда вилоят ички ишлар бошқармаси ходими Улугбек Девонов голиб чиқди ва «Виола» белгили приёмник эгаси бўлди.

М. НАВРУЗАЛИЕВ.



ХОРАЗМ вилояти ИИБнинг балогатга етмаганларни қабул қилиш ва тақсимлаш муассасаси Урганч шаҳри марказида жойлашган. Бу ерга адашган, ўйидан ёки ўқиш жойидан қочиб юрган болалар келтирилади. Муассаса ходимлари уларни иложи бориҷа тезроқ ота-оналари, қариндошлари бағрига қайтаришга ҳаракат қилишади. Яқинлари топилгунга қадар болаларнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиш ҳам уларнинг зиммасиди.

СУРАТЛАРДА: тарбиячи милиция лейтенанти С. Маҳмудов янги келтирилган «мәҳмон» билан сұхbatлашмосда; ходима Екунтоқон Матрасулова қизчаларга ички тартиб-қодалар ҳақида маълумот бермоқда.



ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАН БАЛОГА...

Ёшин ёш дейсан, лекин қирқ ёшида кўйилмаган Эргаш Ҳоликов ва Владимир Сердюкпарниң қилиғига нима дейиш мумкин!

Владимир Янгийўлдаги марказий ҳўжалик ҳисобидаги базда тепловоз машинисти бўлиб ишлайди. Эргаш эса қоровул. Улар биргаликда жиной тил тошиди. Тунги соат уч ярниларда Эргаш ўзи қўриқлаётган 1-омборхонадан «ГАЗ-21» белгили автомашина шиналарини Владимирга узатиб турди. 10 та автошиналар йигасини ўмарган ўғрилар дөвр ошиб ўтишадиганида, кўлга тушишиди.

Янгийўл туман ҳали суди ҳар иккаласини 3 йил шартни жозолашга ҳукм чиқарди.

М. ҲАҚИМОВ.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Ички ишлар идоралари томонидан 1975 йили Кўқон шаҳрида түғилган, Кўқон шаҳар Махмур кўчасидаги 8-йуда яшайдиган Мұҳаббат Умаровна Исокова қидирилмоқда. У 1991 йил 20 ноябрь куни ўдан Тошкент шаҳрига бориш мақсадида чиқиб кетган. 21 ноябрь куни «Жанубий» вокзалга келиб тушган. Шундан кейин дом-дараксиз йўқолган.

Белгилари: Бўйи 160-165 см., калта қилиб қирқилган сочлари қора ва жингалак, қора қошлари ёйсимон, юзлари тў-

ҚАРЗГА КЕТГАН ОРЗУЛАР

— Ҳаёт мени шунга мажбур қилди,—деди терговда Ҳаловат [аёлнинг исми ўзгартирилди].

— Содир этган жинояларимни ҳеч қачон инкор этмайман. Қарзга ботиб қолган эдим. Шу сабабдан ҳам бу ишга қўл уриша мажбур бўлдим. Бу йўлга бир кирма экан. Кейин чиқиб бўлмас экан. Биттасини қарзини тўлаш учун бошқасидан қарз олишига мажбур бўлардим. Натижада бу занжир шунчалар айланаб кетдик, чиқишнинг сира иложи бўлмай қолди. Пулни оиласини боқишига сарфлардим. Ахир, тўртта болам бор.

Бу бир товламачи аёлнинг дидиёси.

— Мен уни бу иш билан шуғулланишини билмас эдим. Умуман аёллар ҳам товламачилик қилиши мумкинлигини хаёлимга ҳам келтирганим йўқ,—деди Сабуров.

Кўпчилик шундай деб ўларди.

Светлана олдинига қанд чой ичишини ҳаёл қилди-ю, 75 сўмга тушди. Бундан ҳаёл ширин бўлди, чой ўша-шча тахирлигча қолди. Кейин Австриядаги ишлаб чиқарилган туфли қишиши, эрига костюм совга қилишини ният қилди. Бизнинг замонамизда ният ҳам қимматлашиб кетган. Бу ёғи бозор иқтисоди. У бўлди, бу бўлди ишқилиб Ҳаловат ўндан нақд 975 сўмни куртдек санаб олди. Бу ёғи эса ҳаммага мавзум. Милиция... изла... суринтири... топ...

Света-ку, майли, аёл эди. Туппа-тузук Виталий қулогини ушлаб қолвариши-чи. Бу «бойвачча»нинг машинасига Ҳаловат бир марта минган эди. Бу ёғи ўз-ўзидан кетаверди. Ҳаловат улардан пулни тортиб ҳам, ялиниб ҳам олмади. Ўзлари келтириб беришиди. Қўйкўллаб. Виталийнинг «Жигули»сига кузов керак экан. Ҳаловат эса: «Топиб бераман», — деди. Орадан иккى кун ўтмай Виталийнинг отаси 1250 сўм пулни олиб, унинг уйига кириб келди. Ҳозир шолғомдан ширгуруч ки-

либ бераман десанг, ҳамма ишонади. Яқинда Президент сайлови бўлади-ю, одамлар барибир содда.. Сайлов билан соддаликни нима алоқаси бор, деган савол кечдими кўнглини гиздан. Бўлмаса, аёлнинг кузови нима алоқаси бор!!

Ота-бала кузовиз қолишиларини билгач, пулни ундиришига ҳаралди. Ундириши ҳам.. 100 сўмини.

Тан олиш керак, Ҳаловат Ларисага берган вадасининг устидан чиқди. Фақат.. Урганч кўнгилга бир нарса деб бўлмас экан.. Айтилган озиқовиёт маҳсулотларини Ларисанинг уйига кўтариб келди. Қуруқ қайтишга эса кўнгли бўлмади. Ларисанинг касал қайнонаси билан иккى оғиз «дилдан сұхбат» қилди-ю, бечора кампирни дарёга олиб бориб, сувсиз қайтариб келди. Дориломон замонлардаги нархи 1232 сўм бўлган, оғирлиги 22 грамлик тилла билагузугини олиб, ярим соатда қайтарман, деди оғиз уч йилга гойиб бўлди.

Бундан ташқари у Газиза исмий аёлнинг тўрт дона рўмолини ҳам «насиияга» олиб кетган эди. Қайтармади.

Хуллас, иккى марта судланган, бутунниттифоқ қидиривидаги Ҳаловат Душанбе шаҳрида кўлга тушди.

Унинг ўзини тинглассангиз, дидиёси тошни ёради. Ҳаётни, бала-чақани рўкач қиласиди. Бироқ шу ҳаётда яшаб юрган, бала-чақаси бор биргина у эмас. Лекин ҳамма ҳам шу йўлга кириб кетаётганий йўқ. Барниб, ҳаёт мажбур қилган бўлса ҳам, уни жазолашмайди. Қолаверса, у шу ишларни қилиб юрганида ҳали эри билан ажрашмаган эди. Унинг таъкидлашича, хотини ҳеч қачон уйга у-бу нарса олиб келмаган. Рўзгорига домим ўзи қараган.

Бу иш бўйича тергов ишлари ҳам якунланди. Уни Сиргали тумани ИИБ ходимлари олиб боришиди. Жазо эса муқаррар.

ИСМОИЛ.

ОЛЧОҚ

Тутунга тўлган хонада фақат иккى киши. Стол устида (остида ҳам бор) бўшаган шиша. Утирганлар қўлларини бир-бирининг елкаларига қўйгандарича ҳасратлашишарди.

Қадаҳлар яна тўлди. «Сени с-с-оллиг-гинг, қиз-зингнинг келаж-жаги учун...» Бу гапларни меҳмон тайтиди.

Эртаси куни, яъни 16 ноябрьда Ленин туманининг Октябрь инқилоби кўчасида турган бетон плита остидан тўрт ёшлар атрофидаги қизчанинг жасади топилди...

Қизчанинг отаси С. Паукнинг қулоги остида кечаги қадаҳларнинг жарангти аксадо берар, «қизингнинг келажаги...» деган сўзлар ти-

нимисиз тақрорланарди. Қанчалик гафлат босибди уни кечади. Вижирлаб турган қизчанинни бир сезмабдия. Анови номард меҳмоннинг шунчалик олчоқлигини билганида, асло уйга киритмаган бўларди.

Уша куни унинг меҳмони Бектемир туманида яшовчи 31 ёшли З. Тўхтамамедов эди. Роса кайф қилган Тўхтамамедов мезбонинг қизчанинни олиб, кўчага чиқди. Куйшибов тош кўчасидаги осма йўлнинг остига етиб келгач, гўдакнинг иномусига чаңг солди. Кейин жон таслим қилганича бўғди ва бетон остига яшириди...

Қизгинанинг исми Екатерина эди.

Э. САИФИЕВ.



МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Узбекистон Жумхурятини «Шарқ» нашриёт-матбавчиллик концерни босмахонаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

М. КИМСАНБОЕВ.

Телефонлар: мұхаррир — 54-37-91, мұхаррир үринбосари — 39-77-23, мұхбирлар бўлими — 59-28-56, умумий бўлум — 59-21-21.

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ»)
Орган коллегии МВД
Республики Узбекистан

26078 нусхада чоп этилди.